

Захирова Гулнора Мухамадиевна  
ЎзМУ, Иқтисодиёт факультети  
“Иқтисодиёт назарияси” кафедраси  
ўқитувчиси

## МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИ ФУНКЦИЯЛАРИ АННОТАЦИЯ

Мақолада меҳнат ресурсларини бошқариш функциялари, уларнинг таркибий тузилмалари, ўзаро боғлиқ бўлган функцияларни бажариш ва бу фаолиятларни баҳолаш жараёнлари меҳнат ресурсларининг самарадорлигини белгилаши ҳақида фикр юритилган.

**Таянч иборалар:** *меҳнат ресурсларини бошқарниш, бошқарув функциялари, меҳнат ресурсларини танлаш, фаоллаштириш, меҳнат ресурсларини разбатлантириш.*

### АННОТАЦИЯ

### ФУНКЦИИ СИСТЕМЫ УПРАВЛЕНИЯ ТРУДОВЫХ РЕСУРСОВ

В статье изложена функции структуры управления трудовыми ресурсами, организационная структура трудовых ресурсов, взаимосвязь выполняемых связанных между собой функциональных обязанностей, а также оценка процесса деятельности трудовых ресурсов отражающие их эффективность.

**Ключевые слова:** *управление трудовыми ресурсами, отбор трудовых ресурсов, мотивация, стимулирование трудовых ресурсов.*

### ANNOTATION

### FUNCTIONS OF MANAGEMENT SYSTEM OF LABOR RESOURCES

The article describes the functions of the structure of human resources management, the organizational structure of labor resources, the interrelationship of interrelated functional duties, as well as the assessment of the process of labor activity reflecting their effectiveness.

**Key words:** *management of labor resources, selection of labor resources, motivation, stimulation of labor resources.*

Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтисодий ислоҳотлар бозор муносабатларини шакллантирап экан ташкилотларнинг мавқесини ҳам тубдан ўзгартирмоқда. Турли хил мулк, ҳажми ва фаолияти ҳар хил бўлган корхоналарнинг мавжуд бўлиши янги иқтисодий, ва ҳуқуқий муносабатлар шаклланишига олиб келмоқда. Бу ҳолат инсонлар ўртасидаги муносабатларга ҳам ўзини таъсирини кўрсатмоқда, уларнинг мулкка, олинаётган натижага ва унинг самарадорлигига бўлган қараши тубдан ўзгариб бормоқда.

Исталаётган пировард натижага эришиш учун ижтимоий жараёнларга мақсадли таъсир кўрсатишлар меҳнат ресурсларини бошқарув тизимининг функциялари ҳисобланади. Функцияларда бошқарув тизимининг моҳияти, мазмуни, мақсад ва вазифалари намоён бўлади. Функциялар бошқарувнинг таркибий тузилмаларини яратища муҳим ўрин тутади. Функцияларни ўрганиш бошқарув тизимидағи таркибий тузилмани шакллантириш, унинг бўлим ва бўлинмаларининг ваколатларини ҳамда ўзаро бўйсуниш муносабатларини белгилашнинг муҳим шарти ҳисобланади. Функцияларнинг меҳнат ресурсларини бошқарув тизимидағи ўрнини «мақсадлар – вазифалар – функциялар – тузилма» кўринишида тасвирлаш мумкин. У ўзига хос ташкилий тузилиши орқали бошқарув вазифаларининг бажарилишини таъминлайди. Ҳар бир функция ўз соҳасига эга бўлиб, ўзига хос усуслар билан амалга оширилади.

А.Я.Кибановнинг таъкидлашича: «Умумий бошқарувнинг маҳсус функциялари ўз навбатида қўйидаги уч турга бўлинади:

1. Ижтимоий тизимларда маъмурий–ташкилий бошқарувнинг функциялари;
2. Ижтимоий тизимларда кадр–ресурсларга оид бошқарувининг функциялари;
3. Ижтимоий тизимларда жараёнли–ташкилий бошқарувнинг функциялари»<sup>1</sup>.

---

<sup>1</sup> Кибанов А.Я.Управление персоналом организаций. Москва ИНФРА-М.,2008

Юқорида таъкидланган иккинчи турдаги функциялар – Ижтимоий тизимларда кадр–ресурсларга оид бошқарувининг функциялари меҳнат ресурсларини бошқариш тизимининг функциялари ҳисобланади.

Меҳнат ресурсларини бошқариш тизимининг функциялари ёки кадрга оид–ресурсли бошқарувнинг функциялари қўйидаги таркибий қисмларга эга:

- 1) иш фаолиятига меҳнат ресурсларини танлаш функцияси;
- 2) иш фаолиятига меҳнат ресурсларини тайёрлаш функцияси;
- 3) меҳнат ресурсларининг фаоллаштириш (рағбатлантириш) функцияси;
- 4) меҳнат ресурслари фаолиятини ресурслар билан таъминлаш функцияси;
- 5) меҳнат ресурсларининг иш фаолиятини баҳолаш функцияси.

Ушбу функцияларни алоҳида кўриб чиқамиз:

*Иш фаолиятига меҳнат ресурсларини танлаш (жамлаш)* – бу хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажаришга энг яроқли бўлган меҳнат ресурсларини танлаб олиш мақсадидаги бошқарув функциясидир<sup>2</sup>.

Жамлаш услуги – бу қўйидаги беш босқичга бирлаштириш мумкин бўлган ўзаро боғлиқ ва муайян кетма–кетлика бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндишидир:

- меҳнат ресурсларининг касбий ва шахсий хислат (сифат)ларига қўйиладиган талабларни аниқлаш;
- ходимликка номзодларнинг қобилияtlари ва шахсий хислатларини ўрганиш ва баҳолаш;
- номзодларнинг қобилияtlари ва шахсий хислатларини, меҳнат ресурсларининг касбий ва шахсий хислат (сифат)ларига қўйиладиган талаблар билан солиштириш;
- номзодларни, уларнинг қобилияти ва шахсий хислатларига кўра ўзаро солиштириш;

---

<sup>2</sup> Скопылатов И.А., Ефремов О.Ю. Управление персоналом. – СПб.: Изд–во Смольного ун–та, 2000.

– меҳнат ресурсларининг касбий ва шахсий хислат (сифат)ларига қўйиладиган талаблар нуқтаи назаридан, энг маъқул ва мос номзодларни танлаш.

«Жамлаш натижасида доимий ва вақтинчалик фаолият кўрсатадиган меҳнат жамоаларга, хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажаришга энг яроқли бўлган меҳнат ресурслари, яъни қўйидаги хусусиятларга эга бўлган меҳнат ресурслари танлаб олинади:

а) хизмат мажбуриятларига мос келувчи ва уларни самарали бажариш учун етарли қобилияtlарга;

б) хизмат мажбуриятларига мос келувчи ва уларни самарали бажариш учун етарли шахсий хислатларга;

в) етарли ва зарурий иш қобилияtlари ва амалий тажрибаларига»<sup>3</sup>.

*Иш фаолиятига меҳнат ресурсларини тайёрлаш* – бу мақсади, меҳнат ресурсларида хизмат (лавозим) мажбуриятлари, режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажариш учун зарур касбий билимлар, малка ва уқувлар, шунингдек ушбу фаолият учун етарли шахсий хислатларни шакллантиришдан иборат бўлган бошқарув функциясидир.

Касбий ўқитиш ва тарбиялаш услуби – бу қўйидаги беш босқичга бирлаштириш мумкин бўлган ўзаро боғлиқ ва муайян кетма–кетлиқда бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндиcидир:

– меҳнат ресурсларининг касбий ва шахсий хислатларига қўйиладиган талабларни аниқлаштириш;

– аниқ меҳнат ресурсларининг мавжуд касбий ва шахсий хислатларини ўрганиш ва баҳолаш;

– меҳнат ресурсларининг касбий ва шахсий хислатларини, меҳнат ресурсларининг касбий ва шахсий хислатларига қўйиладиган талаблар билан солишириш;

---

<sup>3</sup> Алиев И.М. Экономика труда: учебник для бакалавров. М.: Юрайт, 2012

– тегишли талабларга мос келишлари учун, меҳнат ресурслариға етарли бўладиган касбий ва шахсий хислатларни аниқлаш;

– самарали фаолият қўрсатишлари мақсадидаги, меҳнат ресурсларининг касбий ва шахсий хислатларини шакллантириш ва ривожлантириш.

Меҳнат ресурсларини иш фаолиятига тайёрлаш натижасида, хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни етарлича биладиган ва самарали бажара оладиган меҳнат ресурслари, яъни қуидагиларга эга бўлган меҳнат ресурслари тайёрланади:

а) иш фаолияти ва унинг самарадорлиги омиллари бўйича касбий билимларга;

б) иш фаолиятини самарали амалга ошириш учун касбий малака ва уқувларга;

в) иш фаолиятини самарали амалга ошириш учун зарур шахсий хислатларга.

Шу боисдан: *Меҳнат ресурсларининг фаолиятини фаоллаштириши* – бу меҳнат ресурсларининг хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажаришлари учун интилиш ва қизиқишишини шакллантириш мақсадидаги бошқарув функциясидир.

Рағбатлантириш (стимуллаш) услуги – бу қуидаги беш босқичга бирлаштириш мумкин бўлган ўзаро боғлиқ ва муайян кетма–кетлиқда бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндисидир:

– меҳнат ресурслари томонидан хизмат мажбуриятларини самарали бажаришга имкон яратадиган мотивларни аниқлаш;

– ҳар бир меҳнат ресурсининг шахсий қадриятлари ва ҳаётий эҳтиёжларини ўрганиш ва баҳолаши;

– ҳар бир меҳнат ресурсининг шахсий адрияти ва ҳаётий эҳтиёжларини меҳнат ресурслари томонидан хизмат мажбуриятларини самарали бажаришга имкон яратадиган мотивлар тизими билан солишиши;

– ҳар бир меҳнат ресурс томонидан ўз хизмат мажбуриятларини самарали бажаришлари учунетарли ва зарур мотивларни аниқлаш;

– ҳар бир меҳнат ресурс учун самарали фаолият олиб бориши учун етарли фаоллаштирувчи шароитларни яратиш<sup>4</sup>.

Меҳнат ресурслариинг иш фаолиятини фаоллаштириш натижасида хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажарилишига етарлича интиладиган (қизиқадиган) меҳнат ресурслари шаклланиб, уларда:

а) шахсий қадриятлар яратилган рағбатлантиришлар (стимуллар) томонидан керакли даражада қўллаб–қувватланади;

б) яратилган рағбатлантиришлар (стимуллар) томонидан шахсий ҳаётий эҳтиёжлари кераклича қондирилади;

в) шахсий интилишлари рағбатлантиришлар (стимуллар) томонидан кераклича сақлаб турилади.

*Меҳнат ресурсларининг фаолиятини ресурслар билан таъминлаш – бунинг мақсади меҳнат ресурслари ихтиёрига хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажариш учун зарур ахборот ресурслари, моддий–техник, молиявий ва бошқа ресурсларни тақдим этишдан иборат бошқарув функциясидир.*

Ресурслар билан таъминлаш услуби – бу қуйидаги беш босқичга бирлаштириш мумкин бўлган ўзаро боғлиқ ва муайян кетма–кетлиқда бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндисидир:

– меҳнат ресурсларининг ахборот ресурсларига, моддий–техник, молиявий ва бошқа ресурсларга бўлган намунавий эҳтиёжларини аниқлаш;

– меҳнат ресурсларининг ресурсларга бўлган зарурий ва етарли эҳтиёжини аниқлаш;

– меҳнат ресурсларининг зарур ва етарли ресурсларга бўлган зарурий ва етарли эҳтиёжларини уларнинг ахборот ресурсларига, моддий–техник,

---

<sup>4</sup> Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф.Қ.Х.Абдурахмонов таҳрири остида.-Т.:Fan va texnologiya. 2014 й

молиявий ва бошқа ресурсларга бўлган намунавий эҳтиёжлари билан солишириш;

– меҳнат ресурсларининг қондирилиши лозим бўлган аниқ эҳтиёжларини (турли ресурсларга бўлган) аниқлаш;

– меҳнат ресурсларининг самарали иш фаолияти учун ахборот ресурслари, моддий–техник, молиявий ва бошқа ресурсларга бўлган аниқ эҳтиёжларини қондириш (Авдеев В.В., Виханский О.С., Травин В.В., Дятлов В.А.лар ишлаб чиқсан таклиф)<sup>5</sup>.

Ресурслар таъминоти натижасида меҳнат ресурслари хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажариш учун етарли ва зарур бўлган қуйидаги ресурслар билан таъминланадилар:

а) иш фаолиятининг шароитлари, мақсади, усувлари ва воситалари, шунингдек вақти, жойи ва шу кабилар тўғрисидаги керакли ахборотларга;

б) бино (иншоат) ва керакли жиҳозлар (иш қуроллари), техник воситалар, бошқа моддий бойликлар ва ҳоказолар;

в) пул ва озиқ–овқат таъминоти, тиббий хизмат, турли даволаниш (амбулатор, санатория) ва ҳоказолар.

*Меҳнат ресурсларининг иши фаолиятини баҳолаши* – мақсади меҳнат ресурсларига хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажаришлари учун ўз вақтида ёрдам кўрсатишдан иборат бошқарув функциясидир.

Баҳолаш услуби – бу қуйидаги беш босқичга бирлаштириш мумкин бўлган ўзаро боғлиқ ва муайян кетма–кетликда бажариладиган ҳаракатларнинг йиғиндисидир:

– меҳнат ресурсларининг касбий ва шахсий хислатларига қўйиладиган намунавий талабларни аниқлаш;

---

<sup>5</sup> Авдеев В.В. Управление персоналом: технология формирования команды: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2002.,

- ҳар бир меҳнат ресурснинг мавжуд (“амалда қўлланиладиган”) касбий ва шахсий хислатларини ўрганиш ва баҳолаш;
- ҳар бир меҳнат ресурснинг мавжуд касбий ва шахсий хислатлари, уларга қўйиладиган талабларга мос келиш ёки мос келмаслиги бўйича хуносаларни шакллантириш;
- ҳар бир меҳнат ресурсида мавжуд камчиликларни бартараф этиш ва ютуқларини янада ривожлантириш борасида таклифлар ишлаб чиқиш;
- ҳар бир меҳнат ресурсни, уларнинг касбий ва шахсий хислатларини баҳолаш натижалари билан таништириш.

Иш фаолиятини баҳолаш натижасида, меҳнат ресурслари, ўзларининг шахсий хато ва камчиликлари ҳамда ютуқлари ҳақида хизмат (лавозим) мажбуриятлари, шунингдек режалаштирилган вазифалар ва бир марталик топшириқларни самарали бажаришлари учун керак бўладиган қўйидаги ахборотларни оладилар:

- а) ўзларининг самарали иш фаолияти олиб бориш имкониятларини чеклайдиган кучсиз томонлари ҳақида;
- б) ўзларининг самарали иш фаолияти бориш имкониятларини юксалтирадиган кучли томонлари ҳақида;
- в) ўзларининг меҳнат жамоадаги ўрни, роли, мавқеи ва обрў-эътибори ҳақида.

Юқорида таъкидланган жамлаш, меҳнат ресурсларини иш фаолиятига тайёрлаш, уларни фаоллаштириш, ресурслар билан таъминлаш ва фаолиятини баҳолаш жараёнларининг сифати меҳнат ресурслари фаолиятининг самарадорлигини белгилайди.

Адабиётлар рўйхати:

1. Инсон тараққиёти. Дарслик. И.ф.д., проф.Қ.Х.Абдураҳмонов таҳрири остида.-Т.:Fan va texnologiya. 2014 й
2. Алиев И.М. Экономика труда: учебник для бакалавров. М.: Юрайт, 2012
3. Кибанов А.Я.Управление персоналом организации. Москва ИНФРА-М.,2008
4. Авдеев В.В. Управление персоналом: технология формирования команды: Учебное пособие. – М.: Финансы и статистика, 2002.,
5. Шарифхўжаев М., Абдуллаев Ё. Менежмент: Академик С. Ғуломов умумий таҳрири остида. – Т.: «Ўқитувчи», 2001.
6. Скопылатов И.А., Ефремов О.Ю. Управление персоналом. – СПб.: Изд–во Смольного ун–та, 2000.

МУАЛЛИФ АНКЕТАСИ

1.	Фамилияси	Захирова
2.	Исми	Гулнора
3.	Шарифи	Мухамадиевна
4.	Иш жойи	ЎзМУ, Иқтисодиёт факультети
5.	Эгаллаб турган лавозими	ўқитувчи
6.	Илмий даражা	-
7.	Илмий унвон	-
8.	Телефон рақами	+99890 930-58-91
9.	Факс	-
10.	e-mail	zakhirova.gulnora@yandex.ru
11.	Мақоланинг номланиши	Меҳнат ресурсларини бошқариш тизими функциялари